

## “ХАТТОТЛИК САНЪАТИ ТАРИХИ ВА ЁЗУВ УСЛУБЛАРИ”

*“Нафис ва гўзал ёзув кўзни мунаввар қилади  
ва қалбни қувонтиради!”*

*Ибн Сино.*

Хаттотлик Шарқ мамлакатларида ўзига хос алоҳида йўналиш касб этган ва фан даражасига кўтарилган бебаҳо санъатдир. Ўрта Осиё халқлари томонидан ислом динининг қабул қилиниши муносабати билан бу ўлкага “Қуръон карим” нозил қилинган араб ёзуви кириб келди. Ўрта Осиё халқлари муомаласидаги қадимий уйғур, ўрхун-энасой, суғд, хоразмий ёзувлари истеъмолдан чиқиб, VII аср охиридан Қуръон ёзуви илму фан ва давлат ишларида расмий ёзувга айланди.

Тарихдан маълумки, араб ёзуви ислом динининг маънавий-маърифий ҳамда маданий тараққиёти учун хизмат қилган. Ушбу ёзувининг график асослари бир хил бўлишига қарамасдан, ундаги ҳарфлар шакл жиҳатдан турли услубларда битилган.

Араб ёзувининг дунёдаги бошқа халқлар ёзувидан фарқли жиҳати шундаки, бу ёзувнинг гўзаллигига алоҳида эътибор берилиши натижасида, у маъно ташиш воситасидан ташқари, кишиларга юксак эстетик завқ берувчи санъат асарига айланган. Бу санъат азалдан Шарқда *ҳуснихат, хаттотлик*, Ғарбда эса *каллиграфия* номи билан кенг шуҳрат қозонган<sup>1</sup>.

Ўрта асрларда, ҳали китоб босиш техникаси ихтиро этилмаган вақтда ҳар қандай асар қўлда кўчирилиб, китобат қилинар эди. Шу боис, китоб кўчириш ўша даврда энг эътиборли ҳунар ва санъат ҳисобланган. Бу ҳунар эгалари *хаттот* ёки *котиб* деб юритилган.

Шарқда «котиб» деганда худди ҳозиргидай оддий техник ишни бажарувчи ходим эмас, балки ўз замонасининг маданий ҳаётида муҳим роль ўйнаган илм-маърифат аҳли ва йирик маданият арбоби назарда тутилган.

Санъаткор хаттотларнинг ёзган хатлари маъно ифодалаш баробарида, кишиларни ҳаяжонга солиб, уларга эстетик завқ берган. Котиб қалами билан

---

<sup>1</sup> Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан – Т.: “Фан”, 1971 – 3-бет

ёзилган ҳар бир хат бебаҳо ўлмас асар ҳисобланган. Муҳаммад бин Ҳусайн ат-Тибий, Мир Али Табризий, Султон Али Машҳадий, Мир Али Хисравий, Мунис Хоразмий ва Аҳмад Донишлар шулар жумласидандир<sup>2</sup>.

Буюк аждодларимиз илҳомланиб, хатнинг турлари ва хилма-хил услубларини ихтиро қилишган. Шулардан бири 28 ҳарфдан иборат араб алифбосининг дастлабки шакли **Насхи Ҳижозий қадимдир**. Мусхаф Усмон ҳам мана шу хатда битилган. Халифа ҳазрати Усмон ибн Аффон даврига келиб Қуръони карим мукаммал китобат килинган ва ундан кўплаб нусхалар кўчириш бошланган. Мазкур нусхаларнинг айримлари Ўрта Осиё ҳудудларига келтирилган.

Шайх Жамолиддин Ёқут Жазоирий (277 - 397/891-1007й.) улуғ хаттот Ибн Муқла шакллантирган машҳур етти хатни мукаммаллаштиради. Шунингдек, у насх хатининг ихтирочиларидан биридир. Ундан кейин Ибн Баввоб (ваф.мил. 1022й.) ҳам хат услубларига сайқал бериб, 36 хил хат турининг 17 хилини яратган. Бироқ яратилган барча услубларнинг асосини етти хилдаги хат тури ташкил этган. Булар қуйидагилар:

**1. Муҳакқак хати** – бу хатнинг кўпроқ қисми текис, қолган бўлаклари думалоқ шаклда ёзилади. Мазкур жихатларига кўра бу хат ҳижозий ва кўфий хатига кўпроқ ўхшайди. Шу боис Ибн Муқла бу хатни «муҳакқак» деб номлаб, уни бошқа турдаги хатлардан биринчи, деб атаган.

**2. Сулс** – бир нарсанинг учдан бир ҳиссаси ёки учинчи ҳиссаси демакдир. «Сулс хати» дейилишига сабаб шуки, бунда қаламнинг учинчи ҳиссаси ишлатилади ёки қаламнинг учдан бир ҳиссаси кўпроқ ишга солинади. Ибн Баввоб биринчи бўлиб, нуқта ўлчовларига таянган ҳолда сулс хати ҳарфлари шаклининг график асосларини ихтиро этган.

**3. Райҳоний хати** сулс хатидан келиб чиққан бўлиб, бундай ном ушбу хатнинг ёзилиш шакли райҳон баргларига ўхшашлиги учун берилган.

**4. Насх хатининг** ихтирочисидир машҳур санъаткор хаттот Ибн Муқладир. Бу хат юзага чиқиб, шуҳрат қозонгандан кейин бошқа хатларнинг барчаси мансук бўлиб, яъни ишлатилмай қолди. Илмий адабиёт ва қўлёзмаларда кўп учрайдиган «ғубор хати» насх хатининг майда қаламда ёзилишидир. Матнлар рақамларга

---

<sup>2</sup> [www.Islom.uz/home/Қаламдан тўкилган ғўзаллик Салимжон Қосимжон ўғли](http://www.Islom.uz/home/Қаламдан_тўкилган_ғўзаллик_Салимжон_Қосимжон_ўғли)

ўхшаш жуда майда ёзилгани учун «ғубор» деб аталган. Машҳур хаттотлардан бири Саид Қосим битта гуруч донасига ғубор хати орқали “Ихлос” сурасини ёзган. Манбаларда, ғубор хатининг ихтирочиси у киши эканлиги кўрсатилган.

**5. Тавқиъ хатининг** ярми текис, ярми юмалоқ чизиқдан ташкил топган. Ҳижозий хатига ўхшашлиги бор. Ўтмишда қозилар ва ҳокимлар ҳужжатларни айнан тавқиъ хати билан имзолаганлар. Идора ва маҳкамаларда фармонларга, мактубларга, қўлёзмаларга тавқиъ услубида имзо қўйилган.

**6. Риқоъ хатининг** хусусиятларидан бири, унда аксарият ҳарфлар бир-бирига қурама қилиб ёзилади. Риқоъ “руқъа” сўзининг кўплиги бўлиб, «қоғоз парча», «мактублар» деган маънони билдиради. Тавқиъ ва риқоъ хатининг ихтирочиси номаълум. Қўпинча мактублар, кишиларга юбориладиган хатлар, ёзишмалар риқоъ хатида битилган.

**7. Таълиқ хати** аслида риқоъ хатидир. Риқоъ хатини ҳар ким турли шаклларга солиб ёзишидан таълиқ хати юзага келган. Хожа Тожиддин Сулаймон ушбу услубни ихтиро қилган кишилардан бирилик. Хожа Тожиддин яратган таълиқ хати риқоъ хатининг шохчасидир. Бу хат иншо ва мактубларга тегишли бўлиб, муншийлар (иншо ёзувчилар) уни чўзиқроқ шакл орқали ёзганлар. Баъзи манбаларда Абул Олий исмли хаттот таълиқ хатининг ихтирочиси деб кўрсатилган ва бу услуб кўпроқ форсий матнларни ёзиш учун мўлжалланган.

Мазкур хат турлари хаттотлар тилида “*Ал-хутут ас-сабъа*” яъни “етти хат” деб юритилади<sup>3</sup>. Моҳир хаттот мазкур хатларнинг ҳар бирини билиши лозим.

Юқорида қайд этилган хат турларининг ҳар бири махсус ўринларда қўлланилган. **Кўфий хати** нақшин безак ўрнида фойдаланилган, **наسخ хати** асосан китоб матнларини кўчиришда, **сулс хати** – ёдгорлик обидалар пешток ёзувлари ва лавҳаларда, **тавқиъ хати** имзода, **риқоъ хати** мактубларда ишлатилган. Бу етти хат услубининг ҳар бири ингичка – **хафий** ва йўғон – **жалий** қаламларда ёзилишига кўра, ўн тўрт хил хатни ташкил этади. Настаълиқ “наسخ” ва “таълиқ” атамаларининг бирикувидан ташкил топган. Мир Али Ҳиравий ҳамда Мир Али Табризий мазкур икки услуб асосида настаълиқ хатини кашф этганлар.

Настаълиқ хати диёримизда кенг қўлланиб, унда кўплаб китоблар битилган.

---

<sup>3</sup> Бухорий А.Р. Хуснихат дурдоналари. -Т.: “Мовароуннахр”, 2008 – 5-бет

Анъанага кўра, китъа, чорбайт (тўртлик), рубоий, ғазал, насиҳатомуз шеърлар асосан жалий қаламда абри баҳор қоғозида тўрт қатор ёки ундан кўпроқ қилиб, атрофлари бир неча хил гуллар, тилла сувли нақшлар билан безатилиб ёзилган ва муракқа (альбом) ҳолида сақланган ёки шишали чорчўп (рамка)ларда мехмонхона деворига илиб қўйилган. Бу китъалар бир неча юз тилла танга нархида баҳоланган. Баъзи китъаларнинг олд ёки орқа томони миниатюра, атиргул, рангли безаклар билан безатилган.

XVI - XVII асрларга келиб, ҳуснихат санъати оламида катта бурилиш юз беради. Мир Убайд Бухорий Бухорода насх хати асосида янги хат равиши “Насхи Мир Убайдий” ёхуд “Насхи Бухорий” хатини ихтиро қилади. Бу хат ўзининг жозибадор кўриниши ва энг муҳими ёшу қари қийналмасдан ўқий олиши билан ҳар қандай кишини ўзига мафтун этган. Шу боис бу хат Ўрта Осиё ва Хуросонда кенг ёйилиб, унда Қуръонлар китобат қилинган<sup>4</sup>.

Хаттотлик санъати фақатгина китобат билан чегараланмаган. Аждодларимиз меъморчилик ва халқ амалий санъатининг барча жабҳаларида ҳуснихатдан фойдаланишган. Жумладан, иншоотларнинг ички (интеръер) ва ташқи (экстеръер) кўринишларини ҳикматли сўзлар ёзуви билан безатишган. Ҳар бир иншоот ёки муассасанинг фаолияти унинг ташқи кўринишидаги безаклардан англашилган. Масалан, илму маърифат масканлари ташқи безагида илмга ва маънавиятга тарғиб этувчи, карвонсарой ва чойхоналарда эса меҳр-оқибатга чорловчи ҳикматли сўзлар ва ҳадислар, масжидларда ибодатга чорловчи “Қуръон”дан оят ҳадислар, мақбара ва зиёратгоҳларда дуо, зикр-тиловатлар битилган. Мисол учун: Улуғбек мадрасаси деворий битикларида “Таълим олиш ва илм ўрганиш дунёда иззат, охиратда мартабага эга қилади” мазмунидаги ёзувлар акс эттирилган.

Истиқлолга эришганимиздан сўнг, ушбу санъат турини аждодларимиз сингари юксак даражада жаҳонга танитиш мақсадида ҳукуматимиз томонидан улкан ишлар амалга оширилмоқда. Халқаро миқёсдаги таниқли хаттот ва манбашунос олим Ҳабибулло Солиҳ томонидан янги ҳуснихат услубининг кашф қилиниши барчамизни фахрлантиради. Ушбу хат турига “Хатти Зухруф Ҳабибий” ёки “хатти Ҳабибий” дея ном берилган.

---

<sup>4</sup> Бухорий А.Р. Ҳуснихат дурдоналари. -Т.: “Мовароуннахр”, 2008 – 6-бет

Ушбу нақшин безак ёзувининг бошқа хат турларидан фарқли жиҳатлари шундаки, унда гўзал, фусункор нақшлар, ҳарфлар, эъроб ва нуқталар ўзаро бирикувидан безакли тасвир ҳосил қилинади. Бу ёзувда сатрнинг ўлчамидан қатъи назар, матнни қулай тарзда нақшин жилолар асосида ихтиёрий ўлчамда ёзиш мумкин. Ёзилган матндан ўқувчи маъно англаш баробарида, унда маънавий завқ ҳам олади.

Азалдан моҳир хаттотлар шогирдларига хат ёзишни беш босқичга бўлиб ўргатишган. Булар, **муфрадот** – бирлик ҳарфлар билан ишлаш; сўнгра **мураккабот** – ҳарфни ҳарфга қўшиб ёзиш, ундан кейин **қитъаот** – чорбайт, маснавий, рубойларни йирик жалий қаламда ёзиш; кейинги босқич **муншаот** – хафий қаламда хат ёзиш, иншо ёзиш ва сўнги босқич **китобат** - хафий ва жалий каламларда китоблар кўчириш. Ҳар бир босқич шогирднинг истеъдодига қараб, қайта-қайта такрорланган. Ҳарфлар нуқталар билан ўлчанган.

Ўтмишда хаттотлар қўлёзмани моҳирона кўчириш учун икки хил хатни эгаллаши керак эди: бири оддий майда – хафий хат, иккинчиси йирик – жалий хат. Хаттот матни уч тур хатда, яъни оят, ҳадисларни “наسخ”, оддий матнларни “настаълиқ”, боб ва сарлавҳаларни “сулс” хати билан чиройли қилиб кўчириши лозим бўлган.

Сўнги ўн йилликда, юртбошимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган изланишлар натижасида, ватанимиз манбаъшунослари ва хаттотлари аجدодларимиз қолдирган хуснихат намуналарининг аксариятини ўқишга муяссар бўлишди. Кўплаб обидалар, меъморий ёдгорликлар ва амалий санъат намуналаридаги хат безаклари қайта тикланди. Бироқ, ҳали мамлакатимизда ўз маъносини ошкор этмаган ҳамда ўрганилмаган нақшин ва номаълум услубли ёзувлар бисёр. Уларни атрофлича, илмий асослаган ҳолда чуқур тадқиқ этиш ёш олимлар зиммасидаги шарафли вазифа ҳисобланади.

Илмий ишлар бўйича проректор

Г.Қаршиева

Илмий раҳбар

Санъатшунослик номзоди  
доц. Р.Фатҳуллаев